

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 11-сон



бундай масалалардан фойдаланиш бўлғуси математика ўқитувчиларини касбий тайёргарлигини оширишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баракаев М. Таълимда компетенциявий ёндашув - назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлигига эришиш омили сифатида. //Scientific Conference CONTROL, OPTIMIZATION AND DYNAMICAL SYSTEMS – 2019, ABSTRACTS Andijan, Republic of Uzbekistan, 17-19 October 2019//. – Andijan, 2019, pp.120-121
2. Болотов В.А., Сериков В.В. Компетентностная модель: от идеи к образовательной программе//Педагогика. 2003. - № 10. - С. 8-14.
3. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно ориентированной парадигмы образования // Народное образование. – 2003. – № 2. – С. 58–64.
4. Баракаев М. Masala” va “muammoli vaziyat” tushunchalarini o‘zaro aloqadorligiga erishish - anglangan holda bilim olish omili sifatida. //Transactions Of the international scientific conference "modern problems of applied mathematics and Information technologies - al-KHorezmiy 2016", 9-10 november, 2016, Труды Международной конференции// - Бухоро, 2016, б.167-169.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК КОМПОНЕНТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Камбаров Мусохон Мухторжанович, НамДУ.
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Аннотация: Мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлик, касбига мослик, педагогик маҳорат ва масъулиятлилик каби сифатларни эгаллашига оид амалий тавсиялар ёритилган. Муаллиф бўлажак ўқитувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларнинг яхлит тизимини, муҳим компетенциялар асосида шакллантиришни таъкидлаб, педагог касбий компетентлигининг тузулиши, мазмуни ва йўналишларини кўрсатиб берган.

Калит сўзлар: компетентлилик, стандарт компетенция, асосий компетенция, етакчи компетенция, инсоннинг компетентлиги, педагогнинг касбий компетентлиги, махсус касбий компетентлик, компетентлик тушунчаси, ижодий жараён.

ФОРМИРОВАНИЕ КОМПОНЕНТОВ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ

Камбаров Мусохон Мухторжанович, доктора
философии(PhD) по педагогическим наук НамГУ

Аннотация. В статье освещаются практические рекомендации по освоению таких качеств как педагогическая компетентность, профессионализм, педагогическое мастерство и чувства ответственности будущих учителей. Автор утверждает формирование будущих учителей на основе целостной системы профессиональных знаний, умений и навыков, важных компетенций и указывает строение, сущность и направление профессиональной компетенции педагога



Ключевые слова: компетенность, стандартная компетенция, основная компетенция, ведущая компетенция, человеческая компетенность, профессиональная компетенность, специальная профессиональная компетенность, понятие компетенность, творческий процесс.

FORMATION OF COMPONENTS OF PEDAGOGICAL COMPETENCIES IN FUTURE TEACHERS

Qambarov Musokhon Mukhtorjanovich, NamSU.
Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD)

Annotation: This article contains practical recommendations for future teachers to acquire such qualities as pedagogical competence, professionalism, pedagogical skills and responsibility. The author emphasizes the formation of an integrated system of professional knowledge, skills and competencies in future teachers, based on important competencies, and shows the structure, content and directions of professional competence of teachers.

Keywords: competence, standard competence, basic competence, leadership competence, human competence, teacher professional competence, special professional competence, creative process.

Ҳозирги замон цивилизацияси шундай ахборотли ривожланиш босқичга кўтарилидики, бундай ўзгаришлар суръати шахсан жуда қисқа муддатда катта ҳажмдаги ахборотни қабул қилиш, янги фаолият усуллари ўзлаштириш ҳамда касбий ва ижтимоий муаммоларнинг ечимини ўз вақтида топиш малакасини талаб қилади. Бу эса, инновацияларни ўрганиш, уни таълим жараёнига татбиқ этиш таълим тизимини ислоҳ қилиш масалалари билан боғлиқ равишда тайёр ахборотларни беришга асосланган анъанавий ўқитиш туридан, ўқувчи-талабаларнинг ўзларини изланишга, маълумотларни ўзлари излаб топишга ўргатадиган таълим тизимига ўтиш йўлидаги ҳаракатлар билан асосланади [8].

Инсоннинг фикрлаш феномени ҳаётининг фаолиятининг ижтимоий-тарихий, табиий-географик, диний-этноик ва бошқа омилларнинг ривожланиши асосида қарор топади. Масалан, хитойликларда ақлнинг маълум маънавий сифатлари мажмуи ва ҳулқдаги бурч бир бутун деб қабул қилинган. Хитойда жуда қадим замонлардаёқ алоҳида шахс фикри ва қарашлари жамият маънавий ҳаётининг асоси, мамлакат тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи деб қаралган. [8].

Мақсадга йўналтирилган ўқитиш, мулоқот ва биргаликдаги фаолиятда шахснинг ижтимоий ҳулқи намуналари оддийгина ўзлаштирилибгина қолмай, балки унда кейинчалик психологик жараёнлар кечилиши таъминлайдиган асосий интеллектуал-психологик таркибий қисмлар ҳам шаклланади.

Хориж педагоглари, хусусан, Патти Драпеаунинг фикрича, бир шахснинг, айниқса, ўқитувчининг креативлиги бошқа (талаба)ларни ижодий жараёни ташкил этишга руҳлантиради. “Креативлик юқумлилик хусусиятига эгадир; креатив бўлиш учун киши кўпроқ креатив инсонлар билан мулоқот қилиши ва ҳамшира изланишда бўлиши лозим. Ҳар қандай кўникмани шакллантириш мумкин бўлганидай, креатив фикрлаш қобилияти ёки кўникмасини ҳам ривожлантириш мумкин. Бу талабаларга ҳам тааллуқли бўлиб, креативлик устида ишлаш талабаларга ноодатий



тарзда фикрлашга ёрдам беради[2]. Бироқ, талабаларни руҳлантириш ва креатив бўлишга ундаш ўқитувчининг қай даражада малакали эканлигига боғлиқ. Креативлик бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва назариётчиларнинг ишлари талабаларда ушбу кўникмани шакллантиришда муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади. Бу аудиториядаги муҳит, талабаларда фикрлаш тарзининг шаклланиши, ўқитувчининг ёндашув ва стратегиялари элементларини ўз ичига олади”. Пировард натижада бўлажак ўқитувчиларда педагогик компетентлик га эга бўладилар.

Компетентлилик-билимдонлик, касбига мослик, малакалилик, тажрибалилик, масъулиятлиликни раҳбарлик фаолиятига сингдириб бориш.

Ўз соҳасини, ишининг устаси бўлиш, соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш [6].

Кейинги йилларда педагогика соҳасида “компетентли”, “компетенция”, “компетентлилик” тушунчаларидан тез-тез фойдаланилмоқда. Бу таълим мазмунини ислоҳ қилиш зарурати билан узвий боғлиқ. С.И.Ожегов бу тушунчаларни қуйидагича ифодалайди:

Компетентли – бирор соҳани чуқур билиш, кўп нарсалардан хабардорлик, ўз мутахассислиги бўйича катта эътиборга моликлик” [5].

Компетенция – 1. Бирор киши жуда яхши билган ёки хабардор бўлган масалалар доираси. 2. Бирор кишининг вазифалари, ҳуқуқлари доираси” [5].

Компетенция – биор соҳа бўйича ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган ва шунинг учун ҳам фикри салмоқли, ишончли ҳисобланган кишининг сифати”.

Умуман “компетенция” ва “компетентлик” атамалари педагог олимлар томонидан бир хилда талқин этилмайди.

Рус тилидаги “компетентность” атамасидаги “ность” суффикси маълум сифатни эгаллаш даражасини билдиради ва шу боис, “компетентлилик” атамаси маълум сифатларни, уларни эгаллаш даражасини белгилаш учун қўлланилади.

Шундан, компетенция ва компетентлилик тушунчалари билим, кўникма, малака тушунчаларидан кўра кенгроқ маънони англатади. Чунки улар шахснинг йўналганлиги (мотивацияси, кадриятларининг йўналишлари), унинг стереотипларини енгиш, муаммоларни ҳис этиш, кузатувчанлик, фикрлаш қобилиятини; характерини - мустақиллик, мақсадга интилувчанлик, иродавий сифатларини қамраб олади.

Компетентликка йўналтирилган таълим америкалик тилшунос Н.Хомский (1965 йил, Массачутес университети) томонидан таклиф этилган «компетенция» атамасининг умумий маъносида шаклланади. Европа Кенгаши дастури бўйича Берн шаҳрида бўлиб ўтган симпозиумда (1996 йил) «компетенция» тушунчаси «ўқув», «компетентлик», «қобилият», «маҳорат» сингари тушунчалар қаторига киритилганлиги таъкидланди. Европа давлатларининг таълим вазирлари Болония декларациясида (1999 йил) таълим ислохотларининг концептуал асослари сифатида компетентли ёндошувни белгилашди. [3]

Мазкур маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳар бир касб ўз мазмунига махсус ёндашувни ва касбий фаолиятнинг у ёки бу функционал вазифасига кўра мос равишда шаклланишини талаб қилади.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни.

Педагогнинг касбий компетентлиги таснифи қуйидагиларни ўз ичига олади:



– педагогнинг иш соҳаси бўйича компетентлиги - узлуксиз таълим тизимини ўз ичига олади;

– ихтисослик бўйича компетентлиги - ўқитувчи, тарбиячи, психолог, дефектолог, касб таълими ўқитувчиси, ишлаб чиқариш устаси;

– педагогнинг фаолияти йўналган объект бўйича компетентлиги - ўқувчилар, оналар, синф жамоаси, социум ва бошқалар;

– педагогнинг фаолияти тури бўйича компетентлиги мотивацион, гностик, методологик, методик, информацион, коммуникатив, рефлексив, прогностик, конструктив, тадқиқот, технологик, коррекцион ва бошқалар.

Психолог олимлар фикрича “муҳим компетенция” ларни шахснинг турли касбий уюшмаларда мослашиш ва самарали фаолият кўрсатиш учун маълум ишларни бажаришда зарур бўладиган умумкасбий билим, кўникма ва малакалар, шахсий сифатлар ва қобилиятлар сифатида таърифлайди. У тўрт кичик гуруҳни алоҳида кўсатиб ўтади: касбий йўналганлик, касбий компетентлик, касбий аҳамиятга эга сифатлар ва психофизиологик хусусиятлар. [7]

Жаҳон таълим амалиётида қуйидаги муҳим компетенциялар келтириб ўтилади:

– турли ахборот манбалари, шу жумладан, таълим муассасасидан ташқаридаги ахборот манбаларидан билимларни мустақил ўзлаштиришга асосланган билиш фаолияти соҳасидаги компетенциялар;

– ижтимоий фаолият соҳасидаги компетенциялар (фуқаро, сайловчи, ижтимоий гуруҳ, жамоа аъзоси ролини бажариш);

– меҳнат фаолияти соҳасидаги компетенциялар (шу жумладан меҳнат бозоридаги ҳолатни таҳлил этиш ва ундан фойдаланиш, ўзининг касбий имкониятларини, ўзини ўзи уюштириш кўникмаларини баҳолаш ва такомиллаштириш);

– маиший соҳадаги компетенциялар (шу жумладан, оилавий ҳаёт аспектларини, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашни ҳам қамраб олади);

– маданий фаолият соҳасидаги компетенциялар (шу жумладан, шахснинг маънавий ва маданий жиҳатдан бойлиши учун вақтдан унумли фойдаланиш).

– Жаҳон таълим амалиётида қуйидаги муҳим компетенциялар келтириб ўтилади:

– турли ахборот манбалари, шу жумладан, таълим муассасасидан ташқаридаги ахборот манбаларидан билимларни мустақил ўзлаштиришга асосланган билиш фаолияти соҳасидаги компетенциялар;

– ижтимоий фаолият соҳасидаги компетенциялар (фуқаро, сайловчи, ижтимоий гуруҳ, жамоа аъзоси ролини бажариш);

– меҳнат фаолияти соҳасидаги компетенциялар (шу жумладан меҳнат бозоридаги ҳолатни таҳлил этиш ва ундан фойдаланиш, ўзининг касбий имкониятларини, ўзини ўзи уюштириш кўникмаларини баҳолаш ва такомиллаштириш);

– маиший соҳадаги компетенциялар (шу жумладан, оилавий ҳаёт аспектларини, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашни ҳам қамраб олади);

– маданий фаолият соҳасидаги компетенциялар (шу жумладан, шахснинг маънавий ва маданий жиҳатдан бойлиши учун вақтдан унумли фойдаланиш).

Бўлажак ўқитувчиларда педагогик компетентлик компотентларини конвергент ва дивергент креативлик асосида шакллантиришда қуйидаги омилларни асос қилиб олдиқ.

Педагогик-психологик тайёргарлик бўйича: таълим-тарбия жараёнида



қўлланиладиган ўқитиш шакллариинг педагогик-психологик асослари; психодиагностика усулларидадан фойдаланиш; ўқитиш шаклларида ўқитиш методлари ва воситаларидадан ўринли фойдалана олиш; таълим мазмуни, методлари, воситалари ва шакллариинг уйғунлиги, узвийлигини таъминлай олиш; педагогик ва ахборот технологияларини қўллашнинг назарий асосларини. *Машигулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш маҳорати бўйича:* семинар, амалий ва лаборатория машғулотларига қўйиладиган дидактик талабларни; дидактик мақсадлар асосида машғулотнинг ҳар бир босқичи учун репродуктив ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш; фанлараро, мавзулараро боғланишни амалга ошириш.

Таълим жараёнида тарбиялашнинг дидактик омиллари бўйича: маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда илмий-назарий, маънавий-маърифий, маданий қадриятлардан самарали фойдаланиш малакасига эга бўлиш, ўқитиш жараёнида талабалар онгига миллий ғояни сингдиришнинг мазмуни, воситалари, методлари ва шакллариини билиши; талабаларни жамоага бирлаштириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, бажарилган ишни баҳолай олиш, олий таълимда ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишларнинг шакллариини, педагогик этика меъёрларини билиш.

Мустақил ва ижодий ишларни ташкил этиш бўйича: талабаларда мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини таркиб топштиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати ва назарий асосларини билиш; иқтисодий талабаларни аниқлаш диагностикасини билиш, талабаларнинг мустақил ишини ташкилий ва ўқув-методик таъминотини яратиш йўллариини билиш, ўқув материали мазмуни асосида восита, метод ва шакллариини самарали танлаш ва уйғунлаштира олиш.

Талабалар ўзлаштириши мониторингини амалга оширишга тайёрлик бўйича: талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий усуллариини; рейтинг тизими, назорат турлари учун дифференциаллаштирилган топшириқларини туза олиш; талабаларнинг билиш фаолиятидаги типик камчиликлар ва уларнинг жавобларидаги хатоликларни аниқлашни ўрганиш.

Ўз-ўзини касбий ривожлантиришга тайёргарлик бўйича: таълим берадиган фанлари туркумини илмий-назарий жиҳатдан ўзлаштириш, уларнинг ривожланиш тарихи, фанда эришилган ютуқлар, муаммолар, илмий-тадқиқот ва изланишлар натижаларидан хабардор бўлиш; дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-методик адабиётларни таҳлил қилиш, улардан таълим-тарбия жараёнида самарали ва ўз ўрнида фойдалана олиш.

Мутахассислик билим, кўникма ва малакалари бўйича: фаннинг мақсади, вазифалари, предмети ва объекти, асосий методлари; фанга қўйиладиган асосий талаблар; умумий юклама ҳажми ва унинг тақсимооти; фан бўйича тайёргарлик кўраётган бўлажак мутахассисга қўйиладиган: умумий малака талаблари; илмий-методик ишларни амалга ошириш, касбий фаолият жараёнини ташкил этиш ва бошқариш; фан тараққиётининг ахборот ва коммуникация технологияларига боғлиқлиги; фойдаланиладиган асосий адабиётлар; фан бўйича касбий компетентлик даражаси; фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан горизонтал ва вертикал узвийлиги таъминланганлиги; фанни тараққий этиш муаммолари ва ечимлари.

Халқимизнинг келажаги, истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига тайёргарлиги, фидоийлигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишида бўлган муносабатига боғлиқ. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслини



тарбиялаб етказишга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Шу боис, мамлакатимизнинг юксалтириш, миллий таълим тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият бериб келинмоқда.

Педагогик олий таълим муассасаси талабаларининг педагогик маданияти, касбий маҳоратини ривожлантириш ҳамда бу жараёнда психологик-педагогик ташхис қўйиш малакаларини такомиллаштириш ҳозирги кун педагогикаси олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Билиш ва амалий фаолиятда бўлажак мутахассиснинг мустақил фикрлаш маданияти асосий компонентлари: тизимли ёндашув-ўқитиш мазмунининг умумийликдан хусусийликка бориши; материал баёнининг мантикийлиги, изчилиги, умумкасбий фанлар мазмунини дифференциялаш, интеграциялаш, оптималлаштириш, технологиялаштириш; фаолиятли ёндашув-ўқитишда фикрлаш услублари, масала ва машқлар тизимидан босқичма-босқич фойдаланиш, шунингдек, рефлексияни ривожлантириш орқали амалга оширилади; назарий ва амалий ўқув материалларини ўзлаштиришда касбий, ижтимоий-маданий ва тарихий тажрибадан фойдаланилиши таълим самарадорлиги оширади. [2]

Касбий тайёргарликка замонавий талаблар умумий ва касбий билим, кўникма ва малакаларнинг яхлит тизимини, муҳим компетенцияларни шакллантиришни тақозо этмоқда. Булар ҳозирги замон таълим сифатини белгилаб берувчи муҳим омиллардан саналади.

Халқимизнинг келажаги, Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига тайёргарлиги, фидоийлигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишида бўлган муносабатига боғлиқ. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаб етказишга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Шу боис, мамлакатимизнинг буюк маданиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият бериб, бу ўринда кадрлар тайёрлашга компетентли ёндошув муҳим ўрин тутди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қамбаров М. Талабаларни мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш: Монография Наманган. – Аржуманд медиа, 2021
2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014
3. Эльконин Б.Д. “Понятие компетентности с позиции развивающего обучения”. 2002г
4. Ожегов. С. Словарь русского языка. – Москва: Русский язык, 1999. – 248 с.
5. Козырева О.А. Компетентность современного учителя: современная проблема определения понятия Стандарты и мониторинг в образовании. –2004. – № 2. – С.48-51.
6. Ўзбек миллий энциклопедияси. 5-жилд. – Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2003. – 704 б.
7. Мигранова Е.А., Позилова Ш.Х. Касбий педагогик фаолиятга кириш. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2018. – 200 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 2020 й.



113	Умумтехнологик компетенцияларни шакллантиришга замонавий ёндашувлар Соатов Ш.А.....	632
114	Педагогические условия формирования культуры общения у студентов вузов Наркабилова Г.П.....	637
115	Aniqmas integralni o'qitishda "Sinkveyn" ta'lim metodini qo'llashning ahamiyati Musurmonova Sh.G'.....	644
116	Семья, школы и соседство сотрудничество в разработке концепций нематериального культурного наследия Ташматова К.А.....	648
117	Научно-теоретические основы обучения иностранным языкам Шахноза Х.А.....	654
118	Pedagogical and psychological characteristics of training based on the competence-based approach Khasanova D.K.....	658
119	The main factors of materials development for language learning Yusupova L.X.....	662
120	Some aspects of improving tolerance in the process of foreign language teaching Ulmasbaeva M.A.....	665
121	Биологияни ўқитишда фанлараро алоқадорликни шакллантиришга тизимли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари Норбўтаев Х.Б.....	669
122	Талабаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг назарий асослари Хошимова Ш.С.....	674
123	Компетент масалалар - замонавий математика ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш омили сифатида Ўринов Х.Х.....	679
124	Бўлажак ўқитувчиларда педагогик компетентлик компонентларини шакллантириш Қамбаров М.М.....	683
125	Афғонистонда энтослараро муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари Абдурахмонов О.....	689
126	Бўлажак муҳандисларнинг инновацион касбий график тайёргарлиги Авазов Ж.Д.....	698
127	Миллий ҳунармандчиликнинг таълим ва тарбиядаги ўрни Пахратдинова Р. О.....	705